

миграцияси ва интеллектуал ресурсларни сақлаб қолиш масаласи ҳам инсон капиталига киритилган инвестицияларнинг қайтарим даражасига таъсир этувчи муҳим омил сифатида намоён бўлмоқда.

Мазкур муаммоларни ҳал этиш мақсадида инсон капитали ривожланишининг узоқ муддатли миллий стратегиясини ишлаб чиқиш ва унинг доирасида аниқ индикаторлар асосида натижага йўналтирилган бюджетлаштириш тизимини жорий этиш мақсадга мувофиқдир. Таълим муассасалари ва ишлаб чиқариш субъектлари ўртасида дуал таълим механизмларини кенгайтириш, касб-ҳунар ва техник таълим инфратузилмасини модернизация қилиш, рақамли технологиялар асосида билим ва кўникмаларни баҳолаш тизимини такомиллаштириш зарур. Соғлиқни сақлаш соҳасида профилактикага асосланган молиялаштириш моделига ўтиш, телемедицина ва рақамли тиббиёт хизматларини кенгайтириш инсон капитали сифатини оширишга хизмат қилади. Умуман олганда, инсон капиталига йўналтирилган инвестицияларнинг самарадорлигини таъминлаш институционал ислохотлар, молиявий механизмларни диверсификация қилиш ва давлат-хусусий шериклик асосида ресурсларни жалб этиш билан узвий боғлиқдир.

ОЛИЙ ТАЪЛИМНИ МОЛИЯЛАШТИРИШДА ДАВЛАТ ИНВЕСТИЦИЯЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

Султанов Дилмурод Эркинжонович

Тошкент давлат иқтисодиёт университети мустақил изланувчиси

Тарихан, олий таълимни молиялаштириш турли ижтимоий-иқтисодий омиллар асосида ривожланган. Ўрта асрларда университетлар асосан черков ва монархлар томонидан қўллаб-қувватланадиган хусусий муассасалар эди. Саноат инқилобининг ривожланиши ва миллий давлатларнинг шаклланиши билан университетлар фаолроқ давлат маблағларини ола бошладилар. “Масалан, 19-асрнинг охирида кўпгина Европа мамлакатларида давлат университетлари ривожлана бошлади, бу эса аҳолининг кенг қатлами учун олий таълим олишни кенгайтирди”¹⁰⁵. 20-асрга келиб молиялаштириш моделлари мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиш даражасига, давлат бюджети тузилишига ва ҳар бир давлатдаги сиёсий вазиятга боғлиқ бўла бошлади. Юқори даражада ривожланган иқтисодиётга эга мамлакатларда (масалан, АҚШ, Буюк Британия, Германия) таълим тизими кўпинча хусусий ва давлат молиялаштириш манбаларини ўз ичига олган. Ривожланаётган иқтисодиётларда эса, аксинча, эътибор кўпинча университетларни давлат

¹⁰⁵ Амеркулова Ж. Д. Внутривузовский рейтинг – как фактор рационального распределения финансовых ресурсов / Ж.Д. Амеркулова, Д.О. Албанбаева // Международный журнал гуманитарных и естественных наук. – 2025. – № 5-1 (104). – С. 125-133. – DOI 10.24412/2500-1000-2025-5-1-125-133. – EDN RCXWNL.

томонидан қўллаб-қувватлашга қаратилди, бу эса таълимдаги ижтимоий тўсиқларни минималлаштиришга ёрдам берди.

Инсон капитали концепциясига асосан таълимга сарфланган маблағлар шахнинг билим, кўникма ва компетенцияларини ошириш орқали меҳнат унумдорлигини кўпайтиришга хизмат қилади. Макроиқтисодий нуқтаи назардан, олий таълимга давлат инвестициялари: ЯИМ ўсиш суръатларини тезлаштиради; меҳнат бозорида юқори малакали кадрлар таклифини оширади; инновацион фаолиятни рағбатлантиради ва ижтимоий тенгликни таъминлашга хизмат қилади. Биргина **таълим қамрови даражаси** - муайян ёш гуруҳидаги аҳолининг таълим тизимига жалб этилган улушини ифодалайди. Олий таълим қамрови давлат инвестицияларининг натижадорлигини кўрсатувчи индикатор ҳисобланади. Агар давлат сармояси ортиб, қамров ҳам ошса, демак молиялаштириш сиёсати ижобий самара бермоқда (1-жадвал).

1-жадвал

Олий таълимда давлат инвестицияларининг асосий йўналишлари

Устувор йўналишлар		Давлат инвестициялари самарадорлиги кўрсаткичлари
Инфратузилмавий ривожлантириш	<i>университет бинolari, лабораториялар, илмий марказлар</i>	таълим қамрови даражаси
Илмий-тадқиқот фаолиятини молиялаштириш	<i>грантлар, инновацион дастурлар, стартап экотизими</i>	илмий мақолалар ва патентлар сони
Ижтимоий қўллаб-қувватлаш механизмлари	<i>давлат грантлари, стипендиялар</i>	битирувчиларнинг меҳнат бозорида бандлик даражаси
Рақамлаштириш ва таълим технологиялари	<i>электрон таълим платформалари</i>	инновацион маҳсулотлар ҳажми
Халқаро интеграция	<i>академик мобиллик ва қўшма дастурлар</i>	Халқаро рейтинг кўрсаткичлари

Замонавий олий таълимни молиялаштириш тизимларини бир нечта асосий моделларга бўлиш мумкин, жумладан, биринчиси давлат томонидан молиялаштириш. Ривожланган давлат таълим тизимларига эга мамлакатларда (масалан, Дания, Швеция, Финляндия, Германия, Франция) университетлар давлат бюджетидан катта миқдорда маблағ оладилар. Бундай мамлакатларда давлат университетларида ўқиш одатда бепул ёки минимал бўлади, бу эса ижтимоий мобиллик ва кириш имкониятини оширади. Шу билан бирга, бу давлат идоралари олдида ресурсларни самарали тақсимлаш ва таълим сифатини мониторинг қилиш вазифасини қўяди.

2-жадвал маълумотларига кўра, 2020-2024 йилларда танлаб олинган ривожланган давлатларда олий таълимга давлат харажатларининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 1,5-2,4 фоизгача ташкил қилган. Скандинавия мамлакатларида, айниқса Данияда (2,4 фоиз) давлат томонидан молиялаштириш улуши юқорилиги ушбу мамлакатларда таълимни молиялаштиришнинг ижтимоий модели устунлигини кўрсатади. АҚШ (1,7 фоиз) ва Буюк Британияда (1,6 фоиз) аралаш молиялаштириш модели устун бўлиб, давлат томонидан молиялаштириш кўрсаткичлари бироз пастроқни ташкил этган.

2-жадвал

Айрим ривожланган давлатларда олий таълимга давлат харажатлари ЯИМга нисбатан фоизда ¹⁰⁶

Мамлакат	Йиллар				
	2020	2021	2022	2023	2024
Дания	2,4	2,4	2,4	2,4	2,4
Швеция	1,9	1,8	1,8	1,8	1,8
АҚШ	1,8	1,7	1,7	1,7	1,7
Финляндия	1,6	1,5	1,5	1,5	1,5
Буюк Британия	1,5	1,6	1,6	1,6	1,6

Марказий Осиё мамлакатларида олий таълимни модернизация қилишдаги асосий тўсиқлардан бири молиявий ресурсларнинг самарасиз тақсимланиши ва улардан фойдаланиш бўлиб қолмоқда. Чекланган бюджетлар, пуллик таълим хизматларига юқори даражада боғлиқлик ва алоҳида юритилган ислоҳотлар шароитида инвестициялар ҳажми ва университетлар фаолияти сифати ўртасида номутаносиблик мавжуд.

3-жадвал

Марказий Осиё давлатларида олий таълимга давлат харажатлари ЯИМга нисбатан фоизда ¹⁰⁷

Мамлакат	Йиллар				
	2020	2021	2022	2023	2024
Қозоғистон	0,3	0,4	0,4	0,4	0,4
Қирғизистон	0,9	0,9	0,9	0,9	0,9
Тожикистон	0,5	0,5	0,5	0,5	0,5
Туркменистон	0,4	0,4	0,3	0,3	0,3
Ўзбекистон	0,3	0,4	0,7	0,5	0,5

3-жадвал маълумотларида Марказий Осиё давлатларида 2020-2024 йилларда олий таълимга давлат харажатлари ЯИМга нисбатан 0,3-0,9 фоиз атрофида тебранади. Жумладан, Қозоғистонда 2020 йилдан кейинги харажатлар ЯИМга нисбатан 0,4 фоизда барқарорлашган, олий таълим тизимида хусусий сектор улуши сезиларли бўлиб, давлат томонидан олий

¹⁰⁶ https://ourworldindata.org/grapher/education-spending?spending_type=gdp_share&level=tertiary

¹⁰⁷ https://ourworldindata.org/grapher/education-spending?spending_type=gdp_share&level=tertiary

таълимни молиялаштириш сиёсатида кескин ўзгаришлар бўлмаганини кўрсатади. Минтақада энг юқори кўрсаткич Қирғизистонда (ЯИМга нисбатан 0,9 фоиз) бўлиб, олий таълимга нисбатан юқори устуворликдан дарак беради, ammo иқтисодиёт ҳажми кичик бўлганлиги сабабли мутлақ харажатлар унчалик катта эмас. Тожикистонда харажатлар 0,5 фоиз кўрсаткичида барқарорлик сақланган, олий таълимни молиялаштириш ўртача даражада бўлиб, ЯИМ ҳажми паст бўлгани учун молиявий имкониятлар чекланган. Туркманистонда кўрсаткичлар минтақада ўртачадан паст бўлиб, 2022 йилдан бошлаб ЯИМнинг 0,3 фоизини ташкил қилган. Бу ҳолат бюджет устуворликларининг ўзгариши ва иқтисодий омиллар билан боғлиқ. Ўзбекистонда 2022 йилда ўсиш кузатилган (ЯИМнинг 0,7 фоизи), кейинги йилларда 0,5 фоизда барқарорлашган. Бу даврда янги университетлар очилган ва қабул квоталари кўпайган, давлат грантлари ва инфратузилма инвестициялари миқдори ошганлиги билан изоҳланади.

Хулоса қилиб айтганда, олий таълимни молиялаштиришда давлат инвестициялари инсон капитали сифатини ошириш, иқтисодий ўсишни рағбатлантириш ва миллий рақобатбардошликни таъминлашнинг стратегик омили ҳисобланади. Давлат томонидан йўналтирилаётган маблағлар таълим қамровини кенгайтириш, илмий-тадқиқот фаолиятини ривожлантириш ва инновацион муҳитни шакллантириш орқали узоқ муддатли ижтимоий-иқтисодий самара беради.

Шу билан бирга, инвестициялар самарадорлигини ошириш мақсадида натижага асосланган молиялаштириш механизмларини жорий этиш, давлат-хусусий шерикликни кенгайтириш, шаффофлик ва ҳисобдорликни таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Зеро, самарали ташкил этилган давлат инвестиция сиёсати олий таълим тизимини барқарор ривожлантириш ва мамлакатнинг инновацион тараққиётини таъминлашга хизмат қилади.

O'ZBEKISTONDA BANKLARNI TRANSFORMATSIYALASH JARAYONIDA RAQAMLI BANK HIZMATLARINI RIVOJLANTIRISH YO'LLARI

Umarova Malika Baxtiyarovna -

TDIU huzuridagi "O'zbekiston iqtisodiyotini rivojlantirishning ilmiy asoslari va muammolari" Ilmiy-tadqiqot markazi bosh ilmiy xodimi, DSc

Banklar mijozlarning ehtiyojlarini o'rganish orqali ular bilan samarali va natijaviy hamkorlikni yo'lga qo'yishi, bank-mijoz munosabatlarining dolzarb modellarini shakllantirishi, xizmat ko'rsatish sifatidagi zaif jihatlarni chuqur tahlil qilishi hamda mijozlar uchun qulay va maqbul bank siyosatini amalga